

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Surxondaryodonmahsulotlari” AJ  
акциядорларининг 2016 йил 28 июл-  
даги навбатдан ташқари умумий  
йиғилиш қарори билан  
БАЁННОМА №5

«Surxondaryodonmahsulotlari»  
aksiyadorlik jamiyati

АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “**Surxondaryodonmahsulotlari**” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб аталади) акциядорларнинг умумий йиғилиши мақомини белгилайди, унинг фаолият тартиби, ўтказилиши ва мазкур орган томонидан қарорлар қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Низом "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31-декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига ҳамда акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

1.4. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугагандан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили одатда 10 июнда ўтказилади.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

1.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш, жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш, жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес-режаси ижроси бўйича ҳисоботи, кузатув кенгаши ва ижроия органининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари, жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш масалалари кўриб чиқилади.

1.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади, акциядор

(акциядорлар) талабига асосан чақириладиган умумий йиғилиш ҳоллари бундан мустасно.

## 2. АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙЙ ЙИВИЛИШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ВА ҚАРОРЛАРИ

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

а) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) жамиятни қайта ташкил этиш;

в) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) жамиятнинг устав капиталини камайтириш;

ж) ўз акцияларини олиш;

з) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

и) жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

й) жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

к) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

л) жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

м) акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қонунчиликда назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

н) акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;

о) санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;

п) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

р) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 8-бобига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

с) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунинг 9-

бобига асосан жамиятнинг аффилиланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

т) кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва бадаллар миқдорини тасдиқлаш;

у) корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

ф) жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

х) ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар-маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ц) жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;

э) жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик кўмитасини сақлаш ҳаражатини қоплаш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

ю) электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

я) санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

ё) акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамият кузатув кенгаши ва ижроия органига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

2.3. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, овоз берувчи акциялар эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.4. Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, жамиятни қайта ташкил этиш, жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда

оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш, эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш, жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ҳулосаларини эшитиш, жамиятнинг йирик битим тузиш масаласи бўйича кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган ҳолларда ва баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг 50 фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги ҳамда жамиятнинг аффилиланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарорлар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.5. Солиққа оид ёки давлат олдигаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас. Агар бирор бир сабаб туфайли кун тартибидаги масала бўйича қарор қабул қилишнинг иложи бўлмаса, ўша масалани кўрмаслик ҳақида қарор қабул қилинади.

2.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорларнинг умумий йиғилиши тамом бўлганидан кейин йиғилиш охирида эълон қилиш ва муҳим фактлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

2.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар икки иш куни мобайнида жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар жамият акциялари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

2.9. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

### **3. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАРТИБИ**

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

3.2. Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

3.3. Жамият акциядорларининг реестри, рўйхатдан ўтказилган акциялар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра Марказий Депозитарий томонидан шакллантирилган, уларга тегишли акцияларнинг номи, сони, номинал киймати ва тури, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхатдир.

3.4. Жамият акциядорлари реестрига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди, мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни шакллантиришда йўл қўйилган хатолар тuzатилган ҳоллар бундан мустасно.

3.5. Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачисини (депозитарийни) ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

3.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорлар рўйхатига киритилган, умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, аудит текширувини ўтказган аудитор ташкилоти вакили, жамият кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзолари, жамият тафтиш комиссияси аъзолари, санок комиссияси аъзолари, ички аудит хизмати ходимлари, корпоратив маслаҳатчи, ҳамда миноритар акциядорлар кўмитаси вакили ва акциядорлар умумий йиғилиши раиси томонидан таклиф қилинган бошқа шахслар қатнашиш ҳуқуқига эга. Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига аъзолигига сайлаш учун овоз бериш бюллетенига киритилган номзодлар ҳам акциядорларнинг умумий йиғилишида ўз номзодлари кўрилаётганда қатнашишлари мумкин.

3.7. Жамият ижроия органи аъзолари, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясининг вакили ҳамда аудитор ташкилотининг вакили акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида ўз ҳисоботлари билан шахсан қатнашишлари шарт.

3.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

3.9. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг вакиллари йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган жой ва вақтда рўйхатдан ўтишлари лозим.

3.10. Умумий йиғилишда катнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар орқали амалга оширилади.

3.11. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан берилган ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахс муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

3.12. Юридик шахс раҳбари-жамият акциядори умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

3.13. Умумий йиғилишга келган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш умумий йиғилишда катнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрига асосан амалга оширилади ва **1-иловага** мувофиқ қайд қилиш рўйхати тузилади. Қайд қилиш рўйхати бир варақдан ортиқ бўлса, рисола ҳолига келтирилган, тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва акциядорлик жамияти муҳри ва санок комиссияси аъзолари имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

3.14. Умумий йиғилишга келган акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд қилиш рўйхатига имзо чекадилар ва акциядорлар умумий йиғилишида катнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб, **(2-илова)** овоз бериш бюллетенларини оладилар.

3.15. Агар жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколоти уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

#### **4. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ**

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини мазкур низомнинг 1.4. бандида белгиланган вақтда сифатли ўтказиш ва тайёргарлик кўриш учун жамият ижроия органи корпоратив маслаҳатчи билан биргаликда қуйидагиларни амалга оширади:

жамият кузатув кенгаши томонидан танланган аудиторлик ташкилоти билан аудиторлик текширувини ўтказиш, шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида шартномада текширувни тугатиш муддатини аниқ кўрсатган ҳолда шартнома тузади;

жамиятнинг халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботини у халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилинишини таъминлайди.

4.2. Шунингдек, ижроия органи қуйидаги ҳужжатларнинг лойиҳасини ишлаб чиқади ва жамият кузатув кенгашига кўриб чиқиши учун тақдим этади:

акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш регламенти, тақсимлашга тақлиф этилаётган соф фойда, дивидендлар миқдорининг асосланиши, уларнинг жамият дивиденд сиёсатига мувофиқлиги, шунингдек, зарурат туғилганда соф фойданинг муайян қисмини жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришнинг иқтисодий асосланиши тўғрисидаги ва акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлар ҳамда санок комиссиясини тузиш ҳақида тақлифлар;

акциядорлар томонидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритиш бўйича ҳамда жамият кузатув кенгаши, ижроия органи, тафтиш комиссияси ва миноритар акциядорлар қўмитаси таркибига бу органларнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодларни кўрсатиш бўйича берилган тақлифларни умумлаштириш;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегияси;

жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботи;

жамият тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати ҳисоботлари ҳамда аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси.

4.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамиятнинг кузатув кенгаши, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилишни ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

4.4. Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдикланади.

4.5. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

4.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

4.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. Жамият бошқа оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио) орқали умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида акциядорларни қўшимча равишда хабардор қилишга ҳақлидир.

4.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

4.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, жамият кузатув кенгашининг жамият бошқаруви билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги тахрирдаги устав лойиҳаси киради.

4.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.11. Акциядорлар сўровига кўра умумий йиғилиш ўтказилгунига қадар акциядорларга кун тартиби, шу жумладан, кузатув кенгашининг

акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотлар тақдим этилади.

## **5. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КУН ТАРТИБИГА ТАКЛИФЛАР**

5.1. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб, камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга, фойдани тақсимлаш, ҳамда жамият кузатув кенгаши, ижроия органи, тафтиш комиссияси ва миноритар акциядорлар кўмитаси таркибига бу органларнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. Агар уставда белгиланган муддатда акциядорлар томонидан кузатув кенгаши ва (ёки) тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар тушмаса, жамият кузатув кенгаши кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар рўйхатини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга.

5.2. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли. Бунда кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ номзодлар рўйхатига ўзгартиришлар киритилиб, овоз бериш бюллетенлари қайтадан тасдиқланади.

5.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни кўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

5.4. Жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

5.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу низомнинг 5.1. бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун

номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ушбу низомнинг 5.1. бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) ушбу низомнинг 5.1. бандида назарда тутилган микдордаги жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

ушбу низомнинг 5.3. бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклифлар амалдаги Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.6. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

5.7. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

## **6. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ**

6.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

6.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

6.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

6.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

6.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

6.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

6.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

6.8. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу низомнинг 6.1. бандида назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ бўлмаса.

6.9. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

6.9.1. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

6.9.2. Жамият кузатув кенгаши ушбу Низомда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий

йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

6.9.3. Агар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши амалдаги Қонунга мувофиқ уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилганда, улар ўз қарорларини ёзма равишда расмийлаштирадilar. Қарорда уни қабул қилган акциядорлар номи (Ф.И.Ш.) уларга тегишли овоз берувчи акциялар сони ва тури кўрсатилади. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

Бунда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, бошқарув органи томонидан йиғилишни чақиришни талаб қилган шахсларнинг ёзма талаби асосида жойлаштирилади.

Марказий депозитарийда йиғилишни чақиришни талаб қилган акциядорлар томонидан жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш тўғрисидаги топшириқ тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда (депо ҳисоб-рақамидан кўчирма, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор, жамият кузатув кенгашига акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги мурожаат ва кузатув кенгашининг рад жавоби) расмийлаштирилади.

## **7. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КВОРУМИ**

7.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

7.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун белги-ланган йиғилиш бошланиши вақтидан бошлаб, 60 минут давомида кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш

санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

7.4. Акциядорларни такрорий умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хабар қилиш ушбу Низомнинг 4-бўлимида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

7.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

## **8. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ**

8.1. Қуйидагилар умумий йиғилиш ишчи органлари ҳисобланади: йиғилиш раиси (раёсат), санок комиссияси ва йиғилиш котиби.

8.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг раёсати ва котиби акциядорлар умумий йиғилишида сайланади. Бунда акциядорлар умумий йиғилиши раёсати (президиуми) таркибига лавозимига кўра Кузатув кенгаши раиси, аъзолари ва жамият бошқарув раиси кириши мумкин.

8.3. Акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилиш жамият кузатув кенгаши раиси томонидан амалга оширилади. Кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

8.4. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди, йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, умумий йиғилиш ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

8.5. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат бериш ваколатига эга.

8.6. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

8.7. Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг

аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, жамият бошқаруви аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

8.8. Санок комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини жамиятнинг архивига топширади.

8.9. Санок комиссияси ваколатларининг муддати у акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб, акциядорларнинг тегишли кейинги умумий йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан янги таркиб сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача ҳисобланади. Агар акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган пайтда санок комиссиясининг бир ёки бир нечта аъзолари бўлмаса, кузатув кенгаши санок комиссиясининг янги аъзоларидан иборат тартибини тузади ва акциядорлар умумий йиғилиши тасдиғига таклиф этади.

8.10. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларнинг аввалги умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган санок комиссияси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтказиш;
- ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритиш;
- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа ахборотини (материаллари) тарқатиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши кворуми бор ёки йўқлигини аниқлаш;
- акциядорлар умумий йиғилиши кворуми ҳисоби яқунлари тўғрисида баённома тузиш.

8.11. Таркиби бўлиб ўтаётган акциядорлар умумий йиғилиши давомида тасдиқланган санок комиссияси:

- акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;
- овоз беришга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
- овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳуқуқини таъминлайди;
- овозларни санайди ва овоз бериш яқунларини расмийлаштиради;
- овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;
- овоз бериш бюллетенларини жамият архивига топширади.

## 9. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИДА ОВОЗ БЕРИШ

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

9.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

9.3. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгаши томонидан қақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

9.4. Овоз бериш бюллетенида: жамиятнинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга қўйилган масалага «ёқлайман» деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно), овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

9.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзосини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

9.6. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

9.7. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан мазкур низомнинг 9.6. бандида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

9.8. Ўзгартириш киритилган, имзоланмаган ҳолда тақдим этилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва ундаги мавжуд масалалар бўйича овозлар ҳисобга олинмайди.

9.9. Овоз бериш якунлари бўйича санок комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар

умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

9.10. Овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда саклаб қўйиш учун жамиятнинг архивига топширилади. Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

9.11. Овоз бериш яқунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги хисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

## **10. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ**

10.1. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби (регламент) йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиш вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

10.2. Кузатув кенгаши раиси умумий йиғилиш раёсатини ва умумий йиғилиш котибини сайлашни ҳамда санок комиссиясини тасдиқлашни таклиф этади.

10.3. Йиғилиш давомида пайдо бўлувчи жорий масалаларни йиғилиш раиси, муҳокама қилинаётган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишида хар бир қатнашчининг белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб, яккабошчилик билан ҳал этади.

10.4. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирганлар, умумий йиғилиш котибига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда буюртманомга берадилар ёки оғзаки равишда исми шарифини ва овоз берувчи акциялар сонини айтган ҳолда рухсат сўрайдилар.

10.5. Кун тартибининг барча масалалари муҳокама қилингандан кейин йиғилиш раиси акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.

10.6. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишини йиғилишни чақирувчи шахслар олиб боради. Акциядорлар ташаббусига кўра чақирилган умумий йиғилиш раёсати, йиғилишни олиб борувчи йиғилиш раиси, санок комиссияси, йиғилиш котибини тасдиқлаш бўйича овоз бериш ушбу низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

## 11. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНING БАЁННОМАСИ

11.1. Умумий йиғилиш котиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Умумий йиғилиш котиби акциядорлар, уларнинг вакиллари ёки жамиятнинг тегишли ходимлари орасидан сайланиши мумкин. Умумий йиғилиш котиби сифатида жамият корпоратив маслаҳатчиси ҳам сайланиши мумкин.

11.2. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар умумий йиғилиш котиби бўлиши мумкин эмас.

11.3. Умумий йиғилиш котиби:

- умумий йиғилишнинг боришини баёнга қайд этиб боради;
- ёзма буюртманомалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини олиб боради;

- умумий йиғилиш тамом бўлгандан сўнг, 10 кундан кечиктирмай акциядорлар умумий йиғилиши баённомасини икки нусхада тузади.

11.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

11.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;  
жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим, агар акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляцияси амалга оширилса, ушбу маълумот ҳам.

11.6. Санок комиссиясининг овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

11.7. Акциядорлар умумий йиғилиши баёни имзолангандан кейин санок комиссияси йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан умумий йиғилишда қатнашган акциядорларни қайд қилиш рўйхатини, санок комиссияси аъзолари томонидан имзоланиб, муҳрланган овоз бериш бюллетенларини, овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённомаларни

ва акциядорлар умумий йиғилиши баёнини тикиб, номерлаб, жамият мухри билан тасдиқлаб, сақлаш учун жамият архивига топширади.

## 12. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган ва баёнда акс эттирилмаган бўлса, жамият кузатув кенгаши амалга оширади.

12.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари кузатув кенгаши, ижроия органи, йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, уларга тегишли қисми бўйича бажарилиши мажбурийдир.

12.3. Мазкур Низом акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

12.4. Амалдаги қонунчилик ва жамият уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан ушбу низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

12.5. Ушбу низомга киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар белгиланган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан кучга киради.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши  
тўғрисидаги низомга  
1-илова

“Surxondaryodonmahsulotlari” акциядорлик жамияти акциядорларнинг 20\_\_  
йил « » \_\_\_\_\_ да ўтказиладиган умумий йиғилишининг қайд қилиш  
рўйхати

Т/р	Акциядор- нинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи)	Овоз берувчи акция- лар сони	Акция- дор- нинг имзоси	(вакил бор бўлса тўлдирилади)			
				Вакилнинг фамилияси исми, отасининг исми	Ишончнома раками ва берилган санаси	Овоз берувчи акция- лар сони	Вакил- нинг имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8

Умумий йиғилишнинг барча рўйхатдан ўтказилган катнашчилари киши, овоз  
берувчилар \_\_\_\_\_

Кворум мавжудлиги (овоз берувчи акцияларнинг умумий сонидан фоизларда)  
\_\_\_\_\_ %

Санок комиссияси аъзоларининг имзолари .

Акциядорларнинг умумий йиғилиши  
тўғрисидаги низомга  
2- илова

20\_\_ йил « » \_\_\_\_\_ да  
акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) умумий  
йиғилишида овоз бериш учун “Surxondaryodonmahsulotlari” акциядорлик  
жамиятининг \_\_\_\_\_ та овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи  
акциядорининг \_\_\_\_\_ сон\* бюллетени

(овозлар сони)

№	Кун тартибидаги масала	Тарафдор	Карши	Бетараф
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				

Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош харфлари \_\_\_\_\_  
Овоз бериш бюллетени акциядор (вакил) томонидан имзоланиши лозим (имзо)

\*Қайд қилиш рўйхати бўйича акциядорнинг рақами кўрсатилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши  
тўғрисидаги низомга  
3- илова

**ИШОНЧНОМА**

Мен, \_\_\_\_\_ “**Surxondaryodonmahsulotlari**”  
акциядорлик жамиятининг \_\_\_\_\_ та оддий акцияларига (ва \_\_\_\_\_ та имтиёзли  
акцияларига) эгаллик қилувчи менга тегишли барча акциялар билан овоз беришда  
акциядорлар умумий йиғилишида менинг манфаатларимни ифодалаш учун  
\_\_\_\_\_ га ишонч билдираман.

Менинг манзилим:

Вакилнинг манзили:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Паспорт  
серия \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

Паспорт  
серия \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

берилган \_\_\_\_\_

берилган \_\_\_\_\_

Ишончнома 20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ дан 20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » гача ҳақиқийдир.  
Акциядорнинг имзоси \_\_\_\_\_ Сана \_\_\_\_\_  
Акциядорнинг шахсий имзосини тасдиқлайман.

Нотариус \_\_\_\_\_

Имзо \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

М.Ў.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши  
тўғрисидаги низомга  
3а – илова

**ИШОНЧНОМА**

Мен, \_\_\_\_\_ «\_\_\_\_\_»  
акциядорлик жамиятининг акциядори ҳисобланувчи, \_\_\_\_\_ та оддий акцияга (ва  
\_\_\_\_\_ та имтиёзли акцияга) эгалик қилувчи \_\_\_\_\_  
(юридик шахснинг номи)

\_\_\_\_\_ нинг раҳбари (директори, раис) \_\_\_\_\_  
фукаро \_\_\_\_\_ га акциядорлар йиғилишида барча тегишли акциялар билан  
\_\_\_\_\_ нинг манфаатларини ифодалашга ишонч билдираман.  
(юридик шахс номи)

Акциядорнинг манзили:

Вакилнинг манзили:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Банк реквизитлари:

Паспорт серия № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ дан 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ гача амал қилади.

Раҳбарнинг имзоси \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

М.Ў.

Акциядорнинг шахсий имзоси \_\_\_\_\_  
тасдиқлайман:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши  
тўғрисидаги низомга  
4- илова

## Билдиришнома

### Ҳурматли Акциядор

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Зерновая кўчаси №1 уйда жойлашган “**Surxondaryodonmahsulotlari**” **акциядорлик жамияти** **Сизга** 20 \_\_\_\_ « \_\_\_\_ » \_\_\_\_ соат \_\_\_\_ минутда Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Зерновая кўчаси №1 уй манзилида жойлашган **акциядорлик жамияти**да **акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) йиғилиши бўлиши** ҳақида маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган **акциядорлар реестри** 20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_ ҳолатига шакллантирилади (ёпилади).

Электрон почта манзилимиз : \_\_\_\_\_

Йиғилиш кун тартибига қўйидаги масалалар киритилган:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

...

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида **Сиз** Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Зерновая кўчаси №1 уй манзилда ёки \_\_\_\_\_ телефон ва жамиятнинг расмий веб-сайт \_\_\_\_\_ орқали **акциядорлар умумий йиғилишининг** қўйидаги материаллари билан танишишингиз мумкин:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

....

Ёнингизда паспорт ёки шахсни тасдиқловчи гувоҳнома бўлиши сўралади.

**Кузатув кенгаши.**

Акциядорларнинг умумий йиғилиши  
тўғрисидаги низомга  
5- илова

Акциядор \_\_\_\_\_нинг  
Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритиш  
тўғрисидаги таклифи

Талабнинг мазмуни (таклиф)

---

---

---

---

---

---

---

Жами акциялар сони \_\_\_\_\_  
шу жумладан овоз берувчи акциялар сони \_\_\_\_\_ та (АЖ жами овоз берувчи  
акцияларнинг камида 1%и)

(ташкilotнинг ёки фукаронинг номи)

Ф.И.О. \_\_\_\_\_ (имзо, сана) \_\_\_\_\_  
(ташкilot бўлган тақдирда мухр)

Акциядорларнинг умумий йиғилиши  
тўғрисидаги низомга  
6-илова

«\_\_\_\_\_»

акциядорлик жамияти

Акциядори \_\_\_\_\_нинг акциядорларнинг навбатдан ташқари  
Умумий йиғилишини чақириш хақидаги талаби

Талабнинг мазмуни (акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши  
чақирилишининг сабаби)

---

---

---

---

Жами акциялар сони \_\_\_\_\_  
шу жумладан

овоз берувчи акциялар сони \_\_\_\_\_та (АЖ жами овоз берувчи  
акцияларининг камида 5 % и)

(ташкilotнинг ёки фуқаронинг номи)

Ф.И.О. \_\_\_\_\_(имзо, сана) \_\_\_\_\_  
(ташкilot бўлган тақдирда мухр)